

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)**№ 06/13-сонли**

Гурлан тумани

2022 йил «15» июн

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор И.Рахимов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган Дружба МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи А.Дўсниёзов иккинчи томондан Гурлан тумани Эшимжирон махалласи Шифокорлар кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,376км) га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар**1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:**

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда таъмирлаш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“таъмирлаш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”:- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нарҳини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объекtnи умумий қийматини боскичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Гурлан тумани Эшимжирон махалласи Шифокорлар кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,376км) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг баённомаси (2022 йил “13” июндаги “94560” сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда ҚҚС билан жорий нархларда 750298884 (етти юз эллик миллион икки юз тўқсан саккиз минг саккиз юз саксон тўрт) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- таъмирлаш қийматини купайтиришга енгиг булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объекtnинг таъмирлаши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимидаги назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- таъмирлаш майдонига зарур таъмирлаш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, таъмирлаш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;
- таъмирлаш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- таъмирлаш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объекtnи фойдаланишига қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли таъмирлаш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, таъмирлаш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

таъмирлаш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

таъмиrlаш жараёнида жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариши ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (таъмиrlаш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буортмачи олдida тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буортмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буортмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган таъмиrlаш майдонини объект таъмиrlashi ва таъмиrlash tугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчiga бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий таъмиrlasha техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчiga 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчiga пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган таъмиrlашнинг давом этиши вақти аванс маблағлари ўтказилган кундан эътиборан **30** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буортмачи Пудратчiga шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу **225089665** (икки юз йигирма беш миллион саксон тўққиз минг олти юз олтмиш беш) сўмни ташкил этади.

15. Буортмачи томонидан Пудратчiga аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асосда амалга оширилади

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буортмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб таъмиrlash тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки жорий молия йили якунига қадар ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хукуқини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буортмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буортмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнida бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буортмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукуқига эгадир. Бундан Буортмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буортмачи таъмиrlash майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буортмачининг номидан бажариладиган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартномага шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнida ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган таъмиrlash майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришини мустакил равишида ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини таъмиrlashда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва таъмирлаш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда таъмирлаш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва таъмирлашда Давлат назорати инспекциясини ёзма равища хабардор киласи.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг таъмирлашда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четта чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатисиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва таъмирлаш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатисиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга тулаш кўчаолосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, таъмирлаш даврида майдонда таъмирлаш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишилар, таъмирлаш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек таъмирлашни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарida ўз фикирини баён қиласи.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллагунча ва таъмирлаш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган таъмирлаш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар таъмирлаш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Таъмирланган объект ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклиdir.

XI. Таъмиралиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Таъмиралиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмиралиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олиниади.

46. Пудратчи таъмиралиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимiga мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха ҳужжатлари ҳамда таъмираш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан таъмираш учун қўлланиладиган таъмираш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиниши;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар таъмиралиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **60 ой** этиб белгиланади. Объектнинг кафолат муддати камида **60 ой** этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш таъмирашда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин таъмирашнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,
 - пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмагандан;
 - пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмираш меъёrlари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган таъмиглаш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдана тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, таъмилаш меъёллари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи таъмилашда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тартиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида ундириш хукуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи таъмилаш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишида тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи таъмирлаш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома Фазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари

74. Тарафлар шартнома тузища, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий ҳаракатларни содир килмасликка келишиб оладилар.

75. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

76. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар киради.

77. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вакт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувни амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равища тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишининг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равища олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мulkни асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасаррuf этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мulkка бўлган ҳақиқий эгалик хуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хукуқбузарлик содир килиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

78. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказиша, битимлар тузиши бўйича музокаралар олиб борища, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишида ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукукшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равища ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

79. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганилиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганилиги учун уларга тазиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

80. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши кўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиши натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

БҮЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси	Дружба МЧЖ
Манзили: Гурлан т. Мустақиллик күчаси 2-үй	Манзили: Гурлан тумани Бирлашган қишлоғи
Тел/факс: 365-15-40	Тел/факс: 97.791-00-22
шх/р: 401722860332087045204110001	х/р: 20208000300352587001
Банк: Марказий банк Тошкент шахар ХККМ	Банк: Ҳамкор банк Урганч филиали
МФО: 00014	МФО: 01020
ИНН: 206944034	ИНН: 201852359
ОКЭД: 70100	ОКЭД: 42110
Молия вазирлиги ягона ғазна хисоб вараги	
х/р: 23402000300100001010	
ИНН: 201122919	



И.Рахимов

(Имзо)



А. Дўсниёзов

(Имзо)

**Объектда бажариладиган таъмирлаш-монгаж ишлари
ЖАДВАЛИ**

Т/ р	Ишлар тури ва номи	Ишлар хажми (км)	Киймати (сўм)	2022 йил учун таъмирлаш киймати								Ишлар тури кийматини нг жами
				I - чорак		II - чорак		III - чорак		IV - чорак		
Янва рь	Февр аль	Мар т	Апре ль	Май	Июнь	Июль	Авгу ст	Сентя брь	Октя брь	Нояб рь	Дека брь	
1	Гурлан тумани Эшимжирон махалласи	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Шифокорлар кӯчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлап	1.376	75029884						375149442	375149442		

1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси хисобланади ва унинг ахралмас кисми деб каралади.
2. Келгуси йиллардаги таъмирлаш ишлари учун хам шундай график тузилади.

БУХОРТМАЧИ:

Рахбар: И.Рахимов



М.Ҷ.

ПУДРАГЧИ:

Рахбар: А.Дўсниёзов

М.Ҷ.



**“Түрлөн туммани Эшигчилорон Махалласи Шифокорлар күчтөс ички хүжалик йүлини жорий таьмирлаш (1.376)”
Ишларни (боскычларга бүнак ва жорий молиялаштириши хисобга олган холдагү молиялаштириш жадвали**

Молиялаштириш шарты	Таьмирлаш йиллари 2022 йил.										
	Ойлар										
Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
30 % бүннак(аванс) түлови				225089665							
95 % бажарилган ишлар далолатномаларига асосан					487694275						
5 % түлов кафолат муддати тугаганидан сүнт										37514944	

БҮЛЮРТМАЧИ:

Paxbar:  И.Рахимов



ПУДРАГЧИ:

Paxbar:  А.Дүснієзов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

Loyihaning turi: Shartnoma.

Loyihaning nomi: Pudrat shartnoma loyihasi.

Gurlan tuman Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan I.Raximov keyingi o‘rinlarda “Buyurtmachi” birinchi tomondan va Drujba MCHJ nomidan A.Do‘sniyozov keyingi o‘rinlarda “Pudratchi” ikkinchi tomondan Gurlan tumani Eshimjiron mahallasi Shifokorlar ko‘chasi ichki xo‘jalik yo‘lini joriy ta’mirlashga doir №06/13-sonli pudrat shartnomasi tuzish to‘g‘risida.

Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Gurlan tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 15-iyun kuni ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



M.Saparbayev

16.06.2022y

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 94560 на приобретение Хоразм вилояти Гурлан тумани Эшимжирон махалласи Шифокорлар кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,376км).

Способ проведения электронный

Дата 13.06.2022

Время рассмотрения 11.06.2022 16:42

Конкурсная комиссия Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	RAXIMOV IKROM AXMEDOVICH	Бошқарма бошлиғи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
Секретарь комиссии	NARIMMETOV O'TKIRBEK SHUXRATOVICH	Иқтисодчи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
Член комиссии	DJUMATOV RASHID ZARIFOVICH	Инфратузилма обектлари ва автотранспортдан фойдаланиш бўлими бошлиғи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
Член комиссии	SARIQAYEV AZAMAT BALTABAYEVICH	Бош мухандис	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
Член комиссии	SAPARBAYEV YUSUPBAY ISKANDAROVICH	Бош хисобчи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси
Член комиссии	XASANOV ODILBEK BEKTURDIYEVICH	Техник назоратчи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.06.2022 года № лота 94560.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Хоразм вилояти Гурлан тумани Эшимжирон махалласи Шифокорлар кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,376км).
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	833 665 427.00
Стартовая сумма	833 665 427.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

Тип: Бинарное значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги (4 балл). 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) (3 балл). Ишлаб-чикариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги (3 балл). Доимий равища ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги (3 балл). Ходимларнинг йиллик уртacha сони (3 балл). Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги (3 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	19	1	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО DRUJBA	19	1	19	Экспертная		
ООО URGANCH RAVON YO'L	19	1	12	Экспертная		
ООО XIVA STANDART PLYUS	19	1	15	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Л-ҳани ба-ш ун зарур бўлган 8 та дан кам бўлмаган охирги 20 йилликда ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги. (20 йилдан олдин ишлаб чиқарилган машина механизмлар баҳоланмайди.) - 1 та асфальтоукладчик - 1 та автогрейдер - 1 та Каток 13 тн - 1 та автомобиль бортовой - 1 та автосамосвал - 1 та экскаватор - 1 та автопогрузчик - 1 та машина поливочная (ижара шартнома асосидаги қурилиш тех-нинг баллари 50% камайтирилади) (15 балл). Л-ҳани ба-ш ун зарур бўлган 20 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги (5 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	20	1	10.62	Экспертная		
ООО DRUJBA	20	1	18.12	Экспертная		
ООО URGANCH RAVON YO'L	20	1*	1.87	Экспертная		
ООО XIVA STANDART PLYUS	20	1	16.25	Экспертная		

Критерий №3 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига 71,1 млн.сўм (Буюртмачи бошланғич нархнинг 50%) ваундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) (15 балл). Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш (10 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	25	1	10	Экспертная		
ООО DRUJBA	25	1	25	Экспертная		
ООО URGANCH RAVON YO'L	25	1	5	Экспертная		
ООО XIVA STANDART PLYUS	25	1	25	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп (6 балл). Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги (6 балл). Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги (5 балл). Иш ҳақи фонди 20 млн. Сўм (4 балл). Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп (4 балл). Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (3 балл). Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нарининг 20 %гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади) (6 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	34	1	21	Экспертная		
ООО DRUJBA	34	1	34	Экспертная		
ООО URGANCH RAVON YO'L	34	1	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО XIVA STANDART PLYUS	34	1	34	Экспертная		

Критерий №5 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги (1 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	1	1	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО DRUJBA	1	1	1	Экспертная		
ООО URGANCH RAVON YO'L	1	1	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО XIVA STANDART PLYUS	1	1	1	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО DRUJBA	833 665 427.00	750 298 884.00	10.06.2022 09:55:48	40.00
ООО XIVA STANDART PLYUS	833 665 427.00	794 209 452.00	10.06.2022 12:57:18	37.79

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО DRUJBA	58.8606	40	98.8606
ООО XIVA STANDART PLYUS	55.3032	37.78846	93.09166
ООО URGANCH RAVON YO'L	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 94560 от 13.06.2022 года на приобретение Хоразм вилояти Гурлан тумани Эшимжирон махалласи Шифокорлар кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,376км). определила победителем:

ООО DRUJBA
201852359

и резервный исполнитель: **ООО XIVA STANDART PLYUS (302512018)**

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	RAXIMOV IKROM AXMEDOVICH	Согласен	
Член комиссии	XASANOV ODILBEK BEKTURDIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	SAPARBAYEV YUSUPBAY ISKANDAROVICH	Согласен	
Член комиссии	DJUMATOV RASHID ZARIFOVICH	Согласен	
Член комиссии	SARIBAYEV AZAMAT BALTABAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП